

Одамларни ошиш учун дор қуришга хазинадан пул ажратишнинг кераги йўқ — дея таъкидлади 1908 йилнинг ёзида Петербургдан ташриф буюрган алоҳида жандармлар корпуси кўмондони, генерал майор, барон Тоубе — Зеро, Туркистондаги ҳар бир қайрагоч дор ўрнини бажаради.

Жосуслик ишлари бўйича Чор Русиясидан энг ваколатли кишининг ўлкага келиб, Туркистондаги чоризм махфий полицияси Туркистон район мухофаза бўлими ишини таҳлил қилганидан кейин айтган бу сўзлари дастуриламал вазифасини ўтай бошлади. Зеро, Туркистонда ушбу жосуслик маҳкамасининг ташкил этилганига ўшанда эндиgina бир йил бўлган эди.

1909 йилга келиб, Петербург ва Москвада бошланган сиёсий ҳаракатлар мустамлака ўлкаларда ҳам авж олиб, чор Русиясининг бир бутунлиги ва ҳавфсизлигига катта зарар етказадигандек туюлганди. Колаверса, туркий мусулмон халқларда авж олиб кетган жаҳидчилик ҳаракати миллий озодлик гоёсини пинҳона бўлса-да, тарғиб этаётганди. Шулардан келиб чиқиб, Петербургдаги бош штаб генерал майори Гескет 1907 йили Туркистонда жандарм бошқармаси оҳранкани ташкил этиш масаласини император олдига долзарб вазифа қилиб кўяди. Бу таклифни Туркистон генерал губернатори НЛ.Гродеков ҳам қўллаб қувватлагач, император аҳволни таҳлил қилиш учун сенатор, граф К. Палень бошчилигидаги комиссияни ўлкага жўнатди.

Бир ойча Туркистонда бўлиб вазият билан танишган комиссия, ўлкадаги сиёсий галаёнлар улуг Русиянинг бир бутунлигига даҳл солиб, давлат аҳамиятига молик ҳавф-хатар, бу ерликлар хотирасидан беиз кетмай, аста-секин томадиган захар, мисоли улар онгини бузиб, рус ҳукумати қудратига, кўр-кўрона ишонч ва рухий осойишталикларига раҳна солиши мумкин», дея ҳулоса чиқарди ҳамда бунинг олдини олиш учун Гескет ва Гродековнинг таклифи—Туркистонда оҳранкани ташкил этиш ташаббусини маъқуллади. Ана шундан сўнг император Николай Романов фармонида кўра, 1907 йилнинг ноябрида махфий жосуслик тармоги асосида бевосита Петербургга бўйсунадиган махфий сиёсий полиция ташкил этилиб, у Туркистон район мухофаза бўлими деб номланди.

Ушбу жосуслик маҳкамасининг бош максади ўлкадаги эркин фикрловчи қучларни, жаҳидларни ва уларга хайрихоҳларни аниқлаш, улар сафига игвогарларни юбориш орқали бўлиб юбориш, турли элат ва халқлар, миллатлар ўртасида низо-нифокни қучайтириб бориш, озодлик ҳаракатларининг барча турларини аниқлаб, унинг истикболига йўл қўймаслик, руслаштириш сиёсатида қарши бўлганларни пинҳона йўллар билан йўқ қилиб туриш эди. Оҳранка бошлиги қилиб Петербургдан келган Леонид Квицинский ва махсус бўлим бошлиги этиб подполковник Васильев тайинланди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам сиёсий игвогарликлар устаси, мохир айгоқчи, сезгир инсон сифатида катта тажрибага эга зобитлар бўлган.

Император фармонида кўра, оҳранка бошлиги буйругига Туркистон генерал губернаторлигига қарашли Сирдарё, Фаргона, Самарканд, Ёттисув, Каспийорти вилоятлари маъмурлари шахсан бўйсунар, улар сўровномасига қиска муддат ичида жавоб қайтаришлари шарт эди. Агар оҳранка ходими тинтувга келган пайтида икки дақиқа ичида эшик очилмаса, уни бузиб қириш ҳуқуқи ҳам берилганди. Ана шундай катта ваколатларга эга маҳкама қиска муддат ичида ўргимчак уяси қаби айгоқчилик ва аксилайгоқчилик тармогини кенг ёя бошлаганди.

Маҳкаманинг дастлабки қилган иши барча вилоятлар ва уларга қарашли уездларга сўровномалар юбориб, маҳаллий халқнинг қайфиятини, фикрлаш даражасини ўрганиш бўйича маълумотлар тўплаш бўлди. Губернатор ва уезд бошликлари оҳранкага 19 та савол бўйича қисқа муддат ичида жавоб беришга мажбур этилди. Шу билан бирга, маҳкаманинг қилган асосий ишларидан бири жаҳидлар, уларнинг хайрихоҳларини аниқлаш, улар гоёси асосида чиқаётган газеталарни назорат қилиш ва иложини топиб ёпиш, уларни маблағ билан таъминловчи бойларни таъқиб қилиш, Туркия ва ислом давлатлари билан алоқаларини ўрганиш эди.

Оҳранка бошликлари бўлмиш А. Қвицинский ва Н. Васильевнинг қилган бир йиллик амалий ишлари натижасида 1908 йилнинг ноябрига қелиб, Скоблевда 300, Тошкент турмасида 900 нафар сиёсий маҳбус сақланарди. Самарканд турмасида эса маҳбуслар кўплигию, шароит ёмонлигидан юқумли касалликлар тарқалди. Энг фаол табақа деб қаралган темирйўл ишчиларидан 400 таси сиёсий ишончсиз, дея ишдан бўшатишга бўлса, 700 нафари «қора рўйхат» га тушганди.

Шу тарзда ишлаган жосуслик маҳкамаси ўша пайтдаги тараккийпарвар аждодларимиз бахтига 1914 йилда бошланган биринчи жаҳон уруши, 1916 йилдаги озодлик ҳаракатлари, 1917 йилги ағдар тўнтарлар сабабли бутунлай барҳам топди ва тарих қаъридан жой олди.

Умид Бекмуҳаммад